ТОШКЕНТНИНГ ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РУҲИ АБАДИЙДИР!

Кеча Халқлар дўстлиги саройида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI халқаро Тошкент кинофестивали байроғи тантанали равишда кўтарилди

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига — 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 9 октябрь, жума № 199 (21.297).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА УЧРАШУВ

● Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани, ўлкада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, республиканинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани, унинг обрў-эътибори ортиб бораётгани бутун дунёда қизиқиш уйғотмоқда.

Америка Қўшма Штатларининг собиқ давлат котиби Генри Киссинжернинг республикамизга келиши бунинг бир далилидир. У Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда.

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Г. Киссинжер билан учрашув бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари, вазирликлар ва идораларнинг, йирик концернлар ва уюшмалар, банкларнинг раҳбарлари, таниқли иқтисодчи олимлар, ишбилармонлар, мутахассислар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов учрашувни очар экан, шундай деди:

— Жаноб Генри Киссинжерни сизларга таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Мен у билан биринчи марта Женевадаги анжуманда учрашганман. Генри Киссинжер мазкур форумга раислик қилган эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақил Ўзбекистонимиз илк бор мана шундай анжуманда иштирок этганди. Унда жаҳондаги барча давлатларнинг раҳбарлари қатнашган эдилар. Жаноб Киссинжер мустақил Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараётир.

Ўзбекистон Президенти ўлкада бунёд этилаётган демократик жамият ҳақида, бу йўлдаги айрим қийинчиликлар тўғрисида гапириб берди. Республикамиз ҳақида тўлиқ бир тушунча ҳосил қилиш учун бу ерда бирор муддат яшаб, рўй бераётган ўзгаришларни кўриш лозим, — деди И. А. Каримов. — Биз ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Бу — энг тўғри йўлдир.

Шундан кейин Ўзбекистон Президенти учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, барча соҳаларда фойдали муносабатларни қарор топтириш, малакали мутахассисларни етиштириш, бу борада АҚШ тажрибасига таяниш каби масалаларга қаратди.

Г. Киссинжер Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш истагини билдирди. Меҳмон самимий ва илиқ кутиб олингани учун миннатдорлик изҳор этди.

Г. Киссинжер учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби Р. Ражабов иштирок этдилар. Суҳбатда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳам қатнашди.

* * *

Генри Киссинжер шу куни Тошкент давлат университетига бориб, профессор — ўқитувчилар билан учрашди. Унга ТошДУнинг фахрий доктори дипломи топширилди.

● МАЪЛУМОТНОМА: Г. Киссинжер АҚШнинг таниқли сиёсат арбоби. Фалсафа фанлари доктори, халқаро муносабатлар соҳасида йирик мутахассис. 1969-75 йилларда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси, 1973-77 йилларда АҚШ Давлат котиби бўлган. У «Киссинжер энд ассошиэйтс» Нью-Йорк консультатив фирмасининг асосчиси ва раҳбаридир. Нобель мукофоти лауреати.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

СУРАТДА: учрашув пайти. **В. МИЛЕНЬКИЙ** олган сурат. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ 1993 ЙИЛ УЧУН ШУ ГАЗЕТАЛАРГА ОБУНАНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ БАРЧА ДАРАЖАДАГИ ТАШКИЛОТЛАРИГА МУРОЖААТИ ТЎҒРИСИДА

1. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари редакциялари Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, район кенгашлари ва бошланғич ташкилотларига Мурожаати матни маъқуллансин.

2. Ушбу Мурожаат Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари иҳроия қўмиталарида кўриб чиқилсин ва обунани жадаллаштириш тадбирлари белгилансин.

3. Обунани ташкил этишга ёрдам бериш мақсадида Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси аъзоларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига бириктириб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

(Мурожаат газетанинг иккинчи бетида эълон қилинмоқда).

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИГА СОВҒА

ШАРОФ Рашидов сиймоси... У қалби ватанпарварлик, яратувчилик, инсонийлик туйғулари билан тўлган ҳар бир инсон учун мўътабар бўлиб қолганди. Ҳаётлик пайтида бу азиз сиймони бадиий тасвирга туширишга интилганлар сонсаноқсиз, бироқ бу камдан кам мўйқалам соҳибларига насиб этган эди. Ҳаётдан кўз юмгач эса...

Михаил Михайлович Степанянц билан Петр Николаевич Балабановлар Шароф Рашидов бадиий образини яратишдек ўз ижодий мавзуларига содиқ қолдилар. Шароф Рашидов портрети юзасидан бўлган танловда улар мўйқаламига мансуб портретнинг ютиб чиқиши ҳам бежиз эмас.

— Менга Шароф Рашидов тириклик пайтида унинг портретини яратишдек бахт насиб этган эди, — дейди Михаил Степанянц. — Бу ижодий изланишимни ҳозирги кунда ҳам давом эттирмоқдаман. Ўзбек халқи атоқли фарзандининг болалик, ўсмирлик, ёшлик даврларидаги сиймосини ҳам бадиий гавдалантириш ниятим бор. Албатта бу ишда мен билан узоқ йиллардан бери ижодий ҳамкорлик қилиб келаётган дўстим Петр Николаевич ҳам муносиб ҳисса қўшяпти. Истайманки, эл эъзозлаган атоқли инсоннинг ёркин сиймоси, кўзларидаги олижаноб нури халқимиз хотирасидан мангу ўчмасин. Ёш ижодкорларни ҳам бадиий изланишларга чорласин. Айни кунларда Шароф Рашидов фонди ташкил этилганлигидан беиҳоя хурсанд бўлдим. Узоқ ижодий изланишлар асосида яратилган мана шу суратнинг асл нусхасини фондга бизнинг совғамиз сифатида қабул қилишингизни илтимос қиламиз. Рашидов фонди мустақил Ўзбекистон тараққиётига катта ҳисса қўшишига тилакдошман.

СУРАТДА: Шароф Рашидов портретини унинг қизлари Сайёра ва Светлана Рашидовалар қабул қилиб олишмоқда. (Чапдан ўнгга) Пётр Балабанов, Сайёра Рашидова, Шароф Рашидов фондининг ташкилотчиларидан бири, ёзувчи Туроб Мақсуд, Михаил Степанянц, Светлана Рашидовалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!»— ФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ!

Ислом КАРИМОВ:

Ўзбекистон пойтахти—Тошкент жаҳоннинг буюк қитъаларини бирлаштирган кино анжуманнинг доимий маркази бўлиб қолганидан ҳақли равишда фахрланамиз





● ТОШКЕНТ — ФЕСТИВАЛЬ ШАҲРИ. **В. МОЛГАЧЕВ ва А. ТУРАЕВ олган суратлар.**

Орзиқиб кутилган дамлар келди.

Уч қитъа — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчилари тантанали маросим бошланишидан анча илгари муҳташам Халқлар дўстлиги саройи олдидаги майдонга кела бошладилар. Улар орасида бизга таниш чеҳралар — Ҳиндистондан Раж Капур асос солган киночилар сулоласининг давомчилари — машҳур санъаткорнинг фарзандларини, туркиялик кино юлдузларни, Ҳамдўстлик мамлакатларидан келган севимли артистларни, мустақил диёримиз экран санъати намояндаларини кўрамиз.

Бир томонда карнай-сурнай навоси, бир томонда раққосалар ҳироми...

Саройга кираверишда ҳур Ватанимизнинг давлат байроғи, фестивалда қатнашаётган мамлакатларнинг байроқлари ҳилпираб турибди.

Соат 18. Саройнинг муҳташам зали тамошабинлар билан лиқ тўла. Саҳнага фестивалда қатнашиш учун Тошкентга ташриф буюрган қирқдан ортиқ мамлакат, шунингдек Ўзбекистон кино санъатининг атоқли арбоблари чиқиб келадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивалини ўтказиш ташкилий комитетининг раиси Э. Самандаров фестивални очиқ деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчиларига табрикномасини ўқиб эшиттиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг тантанали садолари остида фестиваль байроғи кўтарилади.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивалининг очилишига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков, шунингдек, Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Р. Л. Бхатиа, Осиё ва Африка халқлари ҳамкорлиги ташкилотининг президенти доктор Мирза Голиб қатнашдилар.

(ЎзА).

(Бу ҳақдаги батафсил ҳисобот газетанинг келгуси сонида эълон қилинади).

ИСЛОМ КАРИМОВ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲ давлатлари раҳбарларининг Бишкекда бўладиган учрашувида иштирок этиш учун 8 октябрь куни Тошкентдан Қирғизистон Республикаси пойтахтига жўнаб кетди.

Тайёрагоҳда журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Президент И. Каримов Бишкекда бўладиган учрашувда иқтисодий, молиявий, коллектив хавфсизлик каби бир қатор муҳим масалаларга ойдинлик киритилади, деб умид билдирди.

Ўзбекистон Президентини республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни Бишкекка келди.

Тайёрагоҳда И. А. Каримовни Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Ақаев ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА БЮДЖЕТ ҲИСОБИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонга ташқаридан олиб келинадиган ёқилғи-энергетика ресурслари қимматлашганлиги муносабати билан ҳамда республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида олдини олиш чораларини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 2000 сўм қилиб белгилансин.

2. Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва ногиронларига энг оз миқдори 2500 сўм бўлишидан келиб чиқиб, нафақалар миқдори белгилансин, Улуғ Ватан уруши III гуруҳ ногиронлари нафақаларининг миқдори энг оз иш ҳақи даражасига етказилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот вазирлиги белгиланган энг оз миқдорга асосланиб, фуқаролар иш стажининг оз-кўплигига ва хизматларига қараб меҳнат нафақаларини табақалаштирилган миқдорларда қайтадан ҳисоблаб чиқсин.

4. Бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 1,6 баравар оширилсин.

5. Болали оилаларга мадад бериш мақсадида болалар учун ҳозирги вақтда амалда бўлган ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилсин. Белгилаб қўйилсинки, жами даромади оиланинг ҳар бир аъзосига ҳисоблаганда энг оз ойлик иш ҳақидан ошмайдиган болали оилаларга нафақалар тўланади.

6. Фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 2000 сўм миқдорида белгилансин.

Ойига 8 минг сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган даромад солиғининг энг кам миқдори (12 фоиз) белгилансин. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида белгиланган тартибда ойига 8 минг сўмдан ошадиган иш ҳақидан табақалаштирилган тарзда солиқ олиш тўғрисидаги таклифларни киритсин.

7. Олий ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари, техникумлар ҳамда кийимбош ва овқат билан таъминланмайдиган ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,6 баравар кўпайтирилсин. Талабаларнинг ошхоналари ва буфетларида тушлик овқатларнинг қийматидан 50 фоизли чегирмалар сақлаб қолинсин.

8. Биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга гилам буюмлар ва мебель сотишда имтиёзли тартиб сақлаб қолиниб, оилага бериладиган товон миқдори 5000 сўмгача кўпайтирилсин.

9. Республика маҳалла комитетлари раислари ва котибларининг мансаб маошлари 2 баравар оширилсин.

10. Бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар ушбу Фармонда белгиланган миқдорларда ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

11. Республика вазирликлари, идоралари, уюшмалари, концернлари, корхоналари ва хўжаликлари белгиланган энг оз миқдорга асосланиб, ишловчиларнинг маошини янада оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки корхоналарга, ташкилотлар, муассасаларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминловчи чоралар кўрсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИГА МАБЛАҒ АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда истеъмол молларининг нархлари ва хизматлар ҳақи тўхтовсиз ўсиб бориши шароитида республиканинг «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси аҳолининг камбағал табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ўз Устави вазифаларини амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан «Маҳалла» жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги 700-сон ҳисоб рақамига йигирма беш миллион сўм пул ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Маҳалла» жамғармасига ўтказиладиган пуллар ҳамда бошқа моддий маблағлар асосан камбағал оилаларга, ногиронларга, етим-есирларга, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш ҳамда аҳолининг ижтимоий зарур талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун мўлжаллангандир.

2. Вазирликлар ва идораларнинг, ассоциациялар, концернлар, корхоналар, хўжаликлар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига инсонпарварлик ва меҳр-шафқат ғояларини тарғиб этишга доир тадбирларни амалда рўёбга чиқариш, республика аҳолисининг энг муҳтож табақаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамғармасига аниқ мақсадни кўзлаб ёрдам бериш тавсия этилсин.

3. Газеталар, журналлар, телерадиоэшиттириш муҳарририятлари «Маҳалла» жамғармаси фаолиятини, шунингдек, вазирликлар, корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотларнинг республика аҳолисига ижтимоий ёрдам бериш борасидаги ишини кенг тарғиб қилишга оид махсус рукнларни очсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 8 октябрь.

«Обуна–93»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА, ВИЛОЯТ, ШАҲАР, РАЙОН КЕНГАШЛАРИ ВА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИГА

МУРОЖААТИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари редакциялари партиямизнинг нашрлари бўлмиш шу икки газетага 1993 йил учун обунани ўтказишда фаол кўмаклашиш илтимоси билан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча ташкилотларига мурожаат этишга қарор қилдилар.

Биз мустақил мамлакатимиз фуқарролари ҳозирча нақадар қийинчиликда яшаётганликларини яхши тушунамиз, кўпчиликда тирикчилик учун маблағ етишмаётир. Шу боис газеталарга обуна бўлиш баъзан хаёлга ҳам келмай турибди. Ҳозирги вақтда партия ташкилотлари мураккаб вазиятда ишлаётганликларини, иқтисодиётни соғломлаштириш, фуқаролар тотувлиги ва одамлар ўртасида баҳамжиҳатликни қарор топтириш, уларни, айниқса, аҳолининг кам даромадли табақалари тирикчилигини енгиллаштиришда ҳокимият органларига кўмаклашиш борасида зўр бериб ҳаракат қилаётганликларини кўриб-билиб турибмиз.

Лекин қийинчилик ва мураккаб ҳолатларга қарамай, нафақат партия фаолларининг кўпчилиги, балки меҳнат жамоалари ва аҳоли истиқомат қилиб турган жойлардаги партиясизлар, яъни оддий муштарийлар ҳам «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг яқин дўстлари, ўқувчилари бўлишларига бизнинг ишончимиз комил. Бу айни замонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларига янги тарафдорларни жалб этишга кўмаклашади. Зеро мазкур газеталар партия билан халқ ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. Бизнинг ўқувчиларимиз қанчалар кўп бўлса, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ғоялари шунчалар кенг тарқалади, оммалашади. Шу боисдан биз «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига обуна бўлишни жадаллаштириш бугунги кунда ХДП барча ташкилотлари учун ғоятда муҳим ишдир, деб ўйлаймиз.

Ушбу газеталарга обуна бўлиш натижалари бу муҳим юмушга партиямизнинг ҳар бир ташкилоти қай даражада масъулият билан ёндошишига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир, десак муболаға бўлмайди. Бизнинг фикримизча «Ўзбекистон овози» газетасига камида ҳар уч партия аъзосининг бири, «Голос Узбекистана» ҳафтаномасига рус тилида сўзлайдиган ҳар уч нафар партия аъзосининг бири, ҳар иккала газетага эса ҳар бир бошланғич ташкилот обуна бўлишлари жоиздир. Биз партиянинг сайлаб қўйиладиган органларининг барча аъзолари, хусусан уларнинг раҳбарлари, ҳокимиятлардаги партия аъзолари ушбу газеталарнинг доимий ўқувчилари бўлишга бурчлидирлар, деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, ҳар бир партия кенгашида шу икки газетанинг стенди бўлиши, барча кутубхоналар, маданий-маърифий муассасаларда газета тахламлари бўлиши зарурлиги турган гап.

Республикамизнинг отахон газетаси, 75 йиллик бой тарихга эга «Ўзбекистон овози»ни ҳар бир ўзбек хонадони, меҳнат жамоаси ҳамиша, ҳар куни интиқлик билан кутиб олиб, севиб ўқиган, у кундалик ҳамдам, беминнат ҳамсуҳбат, маслаҳатгўй бўлиб келган. Бундан кейин ҳам у шундай бўлиб қолади ва унинг йўлдоши «Голос Узбекистана» ҳам қадриятга айланиб қолган шу анъанани давом эттиради деган умиддамиз.

Газеталаримиз редакциялари ҳозирги вақтда эълон қилинаётган материаллар мазмунини чуқурлаштириш, уларнинг полиграфик безагини яхшилаш хусусларида жиддий ижодий изланиш олиб бормоқдалар ва зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Биз газеталар ХДП барча ташкилотларининг, барча партия фаолларининг самарадор ёрдамчилари бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз. Газеталаримиз саҳифаларида партиявий иш тажрибаси тобора кенг ёритилмоқда, партия Низоми ва Дастурининг муҳим масалалари бўйича тушунтиришлар берилаётир, партиянинг марказий ва маҳаллий органлари фаолияти тўғрисида кенг ахборотлар, шунингдек, республика иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий ҳаётининг долзарб, ечимини кутаётган муаммоларига доир хилма-хил материаллар чоп этилаётир.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари редакциялари Ўзбекистон Халқ демократик партияси барча ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрдирлар, газеталарнинг мазмуни ва безагига тааллуқли таклиф ва истакларни бажонидил қабул қиладилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯЛАРИ.

• Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҲУЖЖАТИ

Яқинда Фарғонада Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ташкилотлари фаолларининг Ўзбекистоннинг янги Конституцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган регионал семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар-кенгаш ишида ушбу вилоятлар, ЎзХДП вилоятлар ва районлар кенгашларининг ҳамда йирик партия ташкилотларининг котиблари қатнашдилар.

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов кириш нутқи сўзлаб очди. ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов янги Конституция лойиҳаси ва лойиҳани муҳокама этишда Халқ демократик партияси ташкилотларининг роли ҳақида маъруза қилди. Водий вилоятлари партия кенгаши котиблари ва фаоллар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан саволлар бердилар. Лойиҳага нисбатан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар-кенгаш ишида Фарғона вилояти ҳокими М. И. Исломов иштирок этди. Семинар-кенгаш якунида М. М. Расулов анжуманнинг ҳар томонлама фойдали ўтганлигини таъкидлаш билан бирга партия ички-ташкилий масалаларига ҳам тўхталиб ўтди. У ўз нутқида Олтиариқ, Чортоқ ва Комсомолобод районлари партия ташкилотларида республикада биринчилардан бўлиб аъзолик билетлари топшириш якунланганлигини қайд этди. У водий вилоятларида «Ўзбекистон овози» газетасига обунанинг бориши масалаларига ҳам тўхталди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов Данғара районида бўлиб меҳнаткашлар билан учрашдилар. Улар пахта йиғим-теримининг бориши, пахтакорларга яратилаётган маданий-маиший шарт-шароитлар билан танишдилар. Ўртоқ М. М. Расулов бир гуруҳ партия аъзоларига партия билетларини топширди.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Ғузор районидаги Ленин номли давлат ширкат хўжалиги пахтакорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлатга 2200 тоннадан зиёд сифатли пахта топшириб, йиллик режани ошириб адо этдилар. Ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил олинди.

Хўжалик далаларида ҳосил кўп. Пахтакорлар им коняатларини чамалаб, ялпи хирмонни 3 минг тоннадан ошириш учун кураш моқдалар.

Режадан зиёд пахта тайёрлаш иқтисодиётга катта фойда келтиради. Жамоа шу ҳисобдан 90 миллион сўмдан зиёд фойда олишни мўлжаллаяпти.

Шунингдек, райондаги Улуғбек номли давлат ширкат хўжалиги ҳам пахта тайёрлаш режасини уддалаб, дастлабки довондан ошди.

М. КАРОМОВ.

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани пахтакор хўжаликлари орасида Н. Боймуродов номли жамоа хўжалиги терим суръатини ошириш билан намуна кўрсатмоқда.

Суратда: илғор механик-ҳайдовчи Тўлаган Расулев баракали меҳнатдан сўнг ҳордиқ чиқармоқда.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ШУ СОНГА ТЕЛЕГРАММА

ЎН ИШ КУНИДА

Фарғона вилояти Фурқат туманидаги «Дўстлик» бўрдоқичилик корхонаси директори К. Ҳошимов йўллаган телеграммада пахтакорларнинг меҳнат ғалабаси ҳақида хабар берилади. Таъкидланишича, бўрдоқичилик корхонаси ўз ходимларини иш билан таъминлаш мақсадида қўшни хўжаликдан 100 гектар ер ажратиб олганди. Унга қадалган барака уруғи деҳқонларнинг меҳри ва ғайрати билан эрта ҳосил берди.

Пахтакорлар шартномада келишилган муддатдан илгари — ўн иш кунида режани бажардилар. 25 ўрнига 25,1 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Терилган пахтанинг 180 тоннаси ёки 80 фоизи машиналар ёрдамида терилди. Бу ишда механизатор Р. Эшонқулов, А. Шарипов, Н. Мамадалиевлар алоҳида ғайрат кўрсатишди. Бугунгача уларнинг ҳар бири 50—60 тоннадан «оқ олтин»ни бункерлардан тўкишди.

Терилган пахтани ташиш пухта уюштирилди. О. Ўролов, О. Йўлдошев, Й. Исмадиёров, Э. Раҳмонов ташиш ишларида жадал маромни таъмин қилдилар. Оилавий пудратчилардан Маҳфиратой Деҳқонова 1,5 гектар майдондан 3,8 ўрнига 4,8 тонна пахта териб топширди. Унинг ҳамкасблари Ҳ. Маматқулов, И. Абдуллаев, Х. Қурбоновлар ҳам мўлжалдагидан юқори ҳосил топширишга муваффақ бўлдилар.

Пахта далаларида терим қизғин давом этмоқда. Мутахассислар даладаги ҳосилни чамалаб кўриб, гектар бошига 35 центнердан пахта йиғиштириб олиш мумкин, деган хулосага келдилар. Бу эса жамоа умумий хирмон баракасини 350 тоннага етказади, деган гап.

Шу кунларда янги йил ҳосилига тайёргарлик тадбирлари ҳам кўрила бошлади.

• ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

ҲАМЖИҲАТЛИК БЎЛГАН ЖОЙДА

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги қийин даврида меҳнат жамоалари олдида турган муаммоларни ҳал этишда ХДП ташкилотлари қандай иш олиб бормоқда?

«Қашқадарёқурилиш» трести партия ташкилотининг котиби Ў. Кенжаев ушбу саволга жавобан жамоатчи мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Иқтисодий қийинчиликлар ва тақчиллик ҳамма соҳада, айниқса қурилишда ҳам тангликка сабаб бўлаётир. Бизнинг меҳнат жамоамиздаги аҳволни ҳам яхши деб бўлмайди. Трестимизнинг 14 та бўлинмасида 1600 киши ишлайди. Бу — катта куч. Афсуски, хом ашё танқислиги ишимизнинг белига тепаяпти. Одамларни иш билан таъминлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Шу боис партия ташкилоти бўлинмалар раҳбарияти билан бамаслаҳат ҳолда мавжуд иш ўринларини сақлаб қолишга, бинокорларни ижтимоий ҳимоя этишга ўзининг асосий эътиборини қаратган.

Ўз маблағи ҳисобидан қурилиш қилмоқчи бўлган бу юртмачи ташкилот ёки хўжаликлар билан шартномалар тузилиб, улар маблағининг бир қисмига хом ашё олинмоқда, шу тариқа иш жабҳаси кенгайтирилаётир.

Хуллас, партия ташкилотимиз меҳнат жамоасига ҳамнафас бўлган ҳолда фаоллик кўрсатаяпти. Ҳозир маъмурият, касаба уюшмалари, ёшлар ташкилотлари билан бир ёқадан бош чиқариб, энг аввало ишсизликка йўл қўймаслик йўлларини қидирмоқдамиз. Халқимиз айтганидек, излаган имкон топади. Ҳозирги турмуш қийинчиликлари, иқтисодий тангликлар эса вақтинчалик. Партия ташкилотимиз ўз фаолиятининг асосий йўналишини ана шунга қаратмоқда. Чунки ҳамжиҳатлик ва бирлик бўлган жойда қийинчиликлар бартараф этилади, қут-барака бўлади.

Б. АШУРОВ.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ШУ ЙИЛ 8 ОКТЯБРГА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери

Фарғона	1,94	43,12
Бухоро	1,61	35,55
Андижон	2,80	32,27
Хоразм	1,30	28,04
Сурхондарё	2,09	27,57
Наманган	1,07	21,86
Қашқадарё	1,87	18,58
Қорақалпоғистон Республикаси	1,52	14,94
Навоий	0,68	13,74
Тошкент	0,18	8,37
Самарқанд	0,47	3,76
Сирдарё	0,08	3,30
Жиззах	0,17	2,08
Республика бўйича	1,31	20,53
1991 йилдагиси	3,47	62,07

ТЕРИМЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

● Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг ташаббуси билан партия ходимлари, уруш ва меҳнат фахрийларининг қишлоқларда республика мустақиллиги бир йиллигига бағишланган учрашувлари ташкил этилганди. Бундай мулоқотлар вилоятнинг Избоскан, Шаҳрихон, Пахтаобод, Балиқчи, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Асака районларида мароқли ўтди.

НАВБАТДАГИ учрашув Олтинкўл районида бўлди. ХДП Андижон вилоят кенгашининг котиби Р. Мухторов, шу кенгашнинг масъул ходимлари А. Саидкамолов, А. Қаюмов, вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси Т. Каримова олтинкўллик теримчилар ҳузурига келишди.

ХДП вилоят кенгаши котиби Р. Мухторов «Коммуна» жамоа хўжалигининг Юсупжон Халилов бошлиқ бригадаси теримчилари билан бўлган суҳбат чоғида бундай деди:

— Мустақил бўлдик, буни амалда кўриб турибсизлар. Мустақиллик туфайли қадриятларимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз тикланди. Қишлоқ меҳнаткашларига, олий илмгоҳ талабаларига катта имтиёзлар берилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармони билан режадаги пахта ва пилланинг беш фоизи, режадан ортиқча маҳсулотларнинг ҳаммаси меҳнаткашларга инъом қилинди. Бу йил эса топширилган пахтанинг 15 фоизи, пилланинг 25 фоизи ҳам, режадан ташқари ҳамма маҳсулот хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган бўлди.

— Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиз Президентнга минг раҳматки, биздек оддий меҳнат аҳлининг бошини силади, ғамхўрликни кучайтирди, — деди бригада бошлиғи Ю. Халилов суҳбатга аралашиб. — Меҳнатимизга лойиқ ҳақ оладиган бўлдик. Мана энди ғайрат билан ишлаяпмиз. Биз мавжуд 60 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Ҳар гектар ердан 30 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилганмиз. Ҳозир кунига йиллик режанинг уч фоизи миқдорида пахта тайёрлаяпмиз.

— Қўшнинг тинч — сен тинч, деган гап бор. Қўшниларимиз тинч эмас экан, бизга ҳам тинчлик йўқ, — дейди фахрийлардан Рихси Файзиев, — Россияда нарх наво кўтарилиб боряптики, биз ҳам шунга мослашишга мажбурмиз. Бу баъзи кишиларда норозилик ҳиссини кучайтирмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, бир—икки йил давомида нархнаво изга тушиб қолади.

— Кейинги йилларда мафкуравий ишлар бўшашиб кетди, — деди Т. Каримова Фозилжон Қўчқоров номли жамоа хўжалигида бўлган учрашувда. — Ҳамма ўз ҳолича ишлаяпти. Интизом, талабчанлик, масъулиятни ҳис этишни унутиб қўйдик.

Шу куни партия ходимлари ва фахрийлар районнинг «Ҳақиқат», Ленин номли, «Иттифоқ», «Туркистон» ва бошқа қатор хўжаликларида бўлиб, теримчилар, хирмонда ишлаётганлар билан суҳбатлашдилар, фикр алмашдилар. Мафкуравий ишларни жонлантириш ҳақида баҳслашдилар. Суҳбатлар чоғида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган рисоласи ҳақида яхши гаплар айтилди. Бу асарнинг чоп этилиши маънавий ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Мустақиллик йўлида дадил қадамлар қўйилаётган ҳозирги кунда бу асар муҳим қўлланма ролини ўйнайди.

Партия ходимлари ва фахрийларининг Олтинкўл пахтазорлари бўйлаб сафари меҳнат аҳлига янада кучғайрат бахш этди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

Жиззах вилоятининг Зафаробод районидаги Файзулла Хўжаев номли давлат хўжалигида Акром Ороловни (ўнгда) жамоа аҳли жуда ҳурмат қилади. У хўжаликда Халқ демократик партияси аъзолари сафининг янада кенгайиши учун фидойилик кўрсатмоқда.

СУРАТДА: партия ташкилоти котиби А. Оролов 6-бригада ишчиси Людмила Абдуалиевага партия аъзолиги гувоҳномасини топширмоқда.

Ш. ИБРОҲИМОВ олган сурат.

• *Шеърга сиғмаган туйғулар*

Муҳаммад ЮСУФ.

ЎЗИМ — ПОЛВОН, КАСБИМ — МИРОБ



СУРАТДА: Шерали полвон.

ТОНГДА хислат кўп. Саҳарлаб турган одамга кун бўйи омад эргашиб юрармиш. Менинг тўққиз қаватли улкан уйимнинг бир чимдим болахонасида улкан бир полвон дўстим бадантарбия қилар экан, шуларни ўйладим. Ҳозир мен уни сизга таништираман. Фақат сал тонг ёришсин...

Полвонларни сал бетакаллуф, дейишади. Эҳтимол. Аммо бизнинг полвон ундай эмас. Бўйи салкам икки метр. Елкасига иккита йигитча чордана қуриб олиб, бемалол музқаймоқ сотиши мумкин. Шундай баҳайбат одам қиз боладек раҳмдил, кўнгилчан. Сал гапга тегирмон тошидек гулдираб, йиғлавориши мумкин.

Шерали полвон, дейишади уни ўратепаликлар. Сирдарёликлар бегубор полвон, дейишади. Ўзи эса ўзим полвон, касбим мироб, деб «мақтанади».

Ўратепадаги бир катта кураш тугагач, ғолиб полвонни озғин бир одам имлаб ёнига чақирди. Шералини йўқлаган меҳмон ҳам кураги ер кўрмаган полвон экан. Санъат майдонида. Хуллас, Шералини йўқлаган Шерали Жўраев экан. Ўшандан буён улар оға-ини тутинишган. Йиқилган номард, дейишиб бел ушлашиб юришибди.

Ҳозир йиғинлардан олган совғаларини санайман. Туя, от, новвосчалару қўчқорлар. Полвоннинг уйида гилам кўп. Ҳаммаси йиғинлардан тушган. Ўзбек гилам, туркман гилам, ҳатто, немисларникидан ҳам бор. Хуллас, интер-на-ционал совринлар!

Полвон ғирромликни ёқтирмайди. Оёқдан чалганни ёмон олади. Орқага қараб суриб, кейин йиқитмоқчи бўлганларнинг қовурғасини «силаб» қўяди.

У кураш чоғи таниш ёр-оғайниларига қарамасликка ҳаракат қилади. Рақибнинг эса оёқларидан кўзини узмайди. Оёқ олишидан ҳамма ҳаракатини илғаб олади. Шундай қилиб миллий кураш бўйича жумҳурият ғолиби бўлган...

Раҳмат полвон деганлари ўтган экан. Бир куни буғдойини тегирмонга олиб борса, тегирмончи ўнтача оғайниси билан паловни тушираётганмиш. Саломга алик йўқ. Полвон шунча ялинса ҳам парво қилмасмиш.

Раҳмат полвоннинг жаҳли чиқибди. Шаҳд билан ичкарига кириб, тегирмонни тўхтатиб, битта билагида тегирмонтошни даст кўтариб, ташқарига олиб чиқиб қўйиб, йўлига равона бўлибди. Ўн киши тошни ўрнидан силжитолмай унинг орқасидан чопишибди. Ялиниб-ялиниб ярим йўлдан қайтариб келишибди. Полвон тегирмон тошини яна жойига қўйиб қўйибди. Шерали полвон тегирмон тошини кўтариб кўрмаган. Кўтарса ҳам керагу аммо бунинг учун аввало, тегирмоннинг ўзини топиш керак. Улар ҳам ҳозир анқонинг уруғи. Борлари ҳам ток билан ишлайди. Бунақа тегирмонда дон янчиш —электр ўчоқда палов пиширишдек гап.

Эҳ, сувтегирмон, шамолтегирмонлар, қайларда қолдингиз!... Мустақил мамлакат болакайлари бўрсилдоқ нонингиз таъмини қачон тотишаркин?...

Полвонлар иримчи бўлишади. Кураш тушишидан олдин аёл зотига қарашмайди. Шунинг учун ҳам кўпинча тўй-сайил мавсумида хотинлари улардан аразлаб юришади. Худди, айтганини олдиролмаган янги келинчаклардек.

Дарвоқе, бизнинг Шерали полвоннинг ҳам бинойидек жуфти бор— Анора. Боғчада тарбиячи, уйда қўли гул пазанда. Полвонни тўйдириш осон эмас. Бу бир боғча болани боқишдан фарқ қилади бир-оз-гина.

ли полвон ўғлини саккиз ёшда майдонга етаклаб чиқиб, йиқилганини кўрмай, нариги дунёга курашгани кетган. Жойи жаннатдан бўлсин, раҳматлининг...

Онаси Саидабуви ҳозир саксон ёшдалар. Ўғлининг ортидан дуо қилиб яшайди. «Илойим, ғирром полвонларга учратмасин. Отангнинг руҳи қўлласин. Йиқилиб, ҳечқачон мулзам бўлмагин», дейди.

Кампирнинг эслашича, бир пайт, катта йиғинда баҳайбат полвоннинг бурнидан қон отилиб кетган экан. Рақиби белини қаттиқ сиққан эканда. Қалампирфуруш экан бояқиш, дейди...

— Полвон, неча ёшгача курашмоқчисиз?

— Қирққача. Кейин курашмайман...

Алдайди. Курашмаса — яшолмайди. Яна ким билади, дейишади. Ўн йилдан буён кўп йиғинларда талабгор топилмай соврин олиб ўрганиб қолган Шерали балки, ростданам қирқ ёшдан кейин курашмай қолар. Агар шундай бўлса, уни майдонга тушганини бир кўролмаганларга ачинаман.

Водиллик паҳлавон Турсун Али Муҳаммаднинг ибратли бир ибораси бор. «Полвон-полвон эмас, ўзига кучи етган полвон», дейди у. Нақадар тўғри сўзлар. Ўзи инсоннинг табиатида бор шекилли: эътибор беринг, у одам қанча жиккак бўлса, шунчалик жирраки бўлади. Кўринганга бўйнини чўзиб тўпалон чиқариш пайида бўлади. Худди, филга ҳурган оқ жун кучукчадек...

Ҳа, майли, булар ўткинчи гаплар.

Шералининг касби эса ростдан ҳам мироб. У Меҳнатободдаги Охунбобоев жамоа хўжалигида сувга термулиб, тунни тонгга улайди. Ўн йилдан буён. Эҳ-ҳе, қанча сувлар оқиб ўтмади унинг олдидан. Қанча туйғулар ҳам бу сувларда.

Полвон дунёда иккита нарсадан қўрқади. Бири ҳаммага аён, иккинчиси эса... сув! Мироб — сувдан қўрқади. Икки марта оқиб кетганман, дейди.

Полвон оқса уни қутқариб қолишни фақат полвон уддалайди-да!...

У қўшиқ тинглашни хуш кўради. Шеър ўқишни ҳам. Хонанда дўстлари бор. Улар ҳам полвонни яхши кўришади. Шерали қўшиқчи қизлар билан қўл бериб кўришмайди. Лекин хонанда биродарлари билан полвончасига — белидан қаттиқ қучиб омонлашади. Оёқларини бир ердан узиб қўймаса кўнгли жойига тушмайди. «Машҳур бўлинг, фақат ҳаволаниб кетманг, ерда юринг, Чунки, булутлар қўшиқ эшитишмайди...».

Айтишларича, қўшиқчининг кучи ҳам белида бўлар экан.

Шерали пойтахт кўчаларида ўрмондан чиққан айиқполвондек лапанглаб юрар экан, ундан орқада қолмаслик учун чопиб юриш керак. Йўқса, йўқотиб қўясиз шундай баҳайбат одамни ҳам.

— Шерали, юриб кетаётган трамвайни тўхтатиб қўёласанми?

— Йўқ. Қўй, чопқиллаб юравер-син....

Полвон дўстим тўғрисида ҳозирча билганларим шу. Ҳа, дарвоқе, унинг икки қизи бор. Рашида ва Рушана исмли. Кимнинг боласисан деб сўрашса, Шерали полвоннинг дейишади.

Тайёрагоҳда уни кузатаётиб бир ҳазиллашгим келди:

— Шундай катта полвонда ўғил йўқ экан-да, оғайни.

— Ўғилми- қизми барибир фарзанд. Уларнинг бори яхши. Қулоғингга айтиб қўяй, хотиним шу кунларда қўзиламоқчи. Ўғил бўлса керак. Агар чинданам ўғил туғса отини Муҳаммадюсуф қўяман...

Илойим, ўғил бўлсин!



Наманган вилоят Задарё туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида: «Ёз меваси қишда дори», деган халқ нақли қадрини яхши билишади. Шу туфайли бу ерда мева-сабзавот ва қовун-тарвузларни консервалашга алоҳида эътибор бериб келиняпти. Хўжаликда махсус консерва цехи ишлаб турибди.

Суратда: консерва цехи мутахассиси Абдурасул Усмонов ишчи Ориф Турсунов билан тайёр маҳсулотларни кўздан кечираётган пайт.

Пўлатжон АКБАРОВ олган сурат.

МАҲАЛЛА ҲАМ ТАРБИЯ МАСКАНИ

● «Ўзбекистон Республикасининг маҳалла қўмиталари тўғрисидаги «Низом»нинг лойиҳасини кўпни кўрган кексалардан бири сифатида қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Кундалик ҳаётимизнинг муҳим бир бўлаги — маҳаллалар фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун Низом лойиҳасида бир қатор муҳим муаммоларга етарли аҳамият берилган. Маҳалла бу ўзига хос мўъжаз ва файзли ватан. Унинг ободончилиги, гўзал ва ораста бўлиши, унда турли ибратли тадбирлар ўтказилиши, одамларнинг аҳил ва тотув бўлиб яшаши мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, мамлакатимиз обрўси ва қудратини оширишга хизмат қилади.

Менинг тасаввуримда Низом лойиҳасига бир қатор ҳаётий бандлар қўшилса, умумий ишимизга муносиб хизмат қилган бўлур эди.

БИРИНЧИДАН, маҳалла қўмиталари раислари ва котибларининг ҳафтасига 1—2 кун эмас, балки 5 кун кечқурунлари ишлашини йўлга қўйиш керак.

ИККИНЧИДАН, маҳалла аҳолиси сонининг оз-кўплигига қараб раис котиблари учун маош ёки хизмат ҳақи белгилаш.

УЧИНЧИДАН, маҳалла қўмиталарининг район банкларида ҳисоб-китоб ишлари учун счет очилиши ва уни назорат қилиш учун ҳисобчи лавозимини жорий этиш.

ТЎРТИНЧИДАН, маҳаллаларда турли манбалардан йиғилган даромад ва тушум пулларини ободонлаштириш, болаларнинг тарбиясига хизмат қиладиган ўқув-машғулот, ҳунармандчилик устахоналари бинолари қуришга сарфлаш лозим.

Қобил ОДИЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

ГАЗЛАШТИРИШГА БИР МИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ

Наманган вилоятининг Чортоқ районида жамоалари мустақиллик имкониятларидан фойдаланиб, аҳоли турмуш маданиятини яхшилаш чораларини кўрмоқдалар. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, ижтимоий соҳада муайян силжишлар рўй бераётгани аҳоли кўнглини кўтаряпти.

— Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги ичида анчагина ишлар қилинди, — дейди район ҳокими Т. Пўлатов. — Хўжаликларга савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Капитал қурилиш, бино ва иншоотларни таъмирлаш кўлами кенгайди. Шу мақсадларга ажратилган маблағ тўла ўзлаштирилди. Режадагидан 5 миллион сўмлик кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, 39-ҳунар-техника билим юрти учун замонавий бино, қишлоқ тиббий амбулаторияси ишга тушди. Алихон қишлоғида қўшни хўжаликларни ҳам тоза сув билан таъминловчи иншоот фойдаланишга топширилди. Пешқўрғон ҳамда Боғистон қишлоқларида мева-сабзавотлар сақланадиган замонавий совуқхона, консерва цехлари қурилди.

Кўпгина хўжаликлар табиий газдан баҳраманд бўлиб турибди. Лекин бу соҳадаги ишлар ҳали талабга жавоб бермайди. Истиқлолимизнинг 1 йиллик байрами арафасида қатор хўжаликлар ташаббус кўрсатди: қишлоқларни газлаштиришни тезлаштириш мақсадларига 4 хўжалик 1 миллион сўм ўтказди. Бу эса қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлашга қаратилган Президент фармони бажарилишини жадаллаштиришга мадад бўлади.

С. ТУРҒУНОВ,
Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбирлари.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ЖИЗЗАХ

УЧТЕПАДА ЯНГИ КОРХОНА

● Жиззах район матлубот жамиятига қарашли янги корхонада кунига 14 тоннагача нон, 600 декалитр турли ичимликлар, 7 минг шартли банка мева-сабзавот консервалари, 20 тоннага яқин томат, шунча ширинлик ишлаб чиқарила бошланди.

Корхонанинг ишга туширилиши чўлқуварларнинг болажонлари учун, айниқса қувончли бўлди. Унда ҳар куни 800 килограммдан зиёд музқаймоқ тайёрлайдиган цех ишламоқда. Йил охиригача яна учта цех қуриб битказилгач, район тадбиркорлари четга хом ашё ўрнига фақат тайёр саноат маҳсулотлари жўната бошлайдилар.

ШИША ИДИШЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

● Маълумки, ҳозир қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашдан кўра сақлаш кўпроқ муаммо. Маҳсулотларни қишга сақлашнинг энг қулай усулларидан бири уларни шиша идишларга консервалаш, турли шарбатлар тайёрлашдир.

Жиззах қурилиш ашёлари корхонаси, вилоят пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш трести Американинг машҳур «Феникс-Интернэшнл Рэдиолоджи ИНК» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этаётган қўшма корхона аҳолининг ва бошқа ташкилотларнинг шиша идишларга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Корхона ишга тушгач йилига 20 миллион донагача шиша идиш, 500 минг квадрат метр ҳажмда ойна тайёрлаш мумкин бўлади.

Баҳриддин САТТОРОВ.

● СУРХОНДАРЁ

АМАЛДОР ОЗАЙДИ, ИШЧИ КЎПАЙДИ

● Жарқўрғон темирбетон буюмлари заводида бошқарув девони қарийб эллик фоизга қисқарди. Бу ҳолнинг ишга салбий таъсири сезилмаяпти. Аксинча, айрим юмушларнинг барори баланд.

Масалан, идоранинг «қисқарув»дан бўшаган хоналарига зарли атлас тўқиш ускунаси ўрнатилди. Бу нарса ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Дастлаб завод учтўрт қизни Наманган шаҳрига — атлас тўқишни ўрганиб келишга юборди. Наманганлик Воитхон Юсупов ускуналарни ўрнатишга таклиф этилди. Мана, бугун қарабсизки, Дилфуза Тошанова, Дилфуза Бозорова, Зиёда Каримова бинойидай атлас тўқишяпти.

Патли (холи) гилам тўқиладиган 20 та ускуна эса заводнинг илгари мажлисхона деб аталадиган жойига ўрнатилди. Каромат Хўжаназарова, Марзия Юсупова, Санобар Маматкаримова, Муқаддас Ҳазратқулова ўрта мактабда олти-етти йиллаб меҳнат дарсини ўқиб, бирон тайинли ҳунарни олишолмаганди.

Бугунги кунда улар завод директори Зокир Рамазоновдан миннатдор. Ҳа, десангиз, Рамазонов уларни Хивага — гилам тўқишни ўрганишга юборди. Ишга қабул қилди. Касб-корли қилишди. Мана бугун улар ҳатто одамнинг тасвирини тушириб гилам тўқишмоқчи.

Ҳа, бошқарув девони қисқарди. Лекин заводда ишчилар юз нафарга кўпайди. Ахир, бу ерда атлас, хивача гилам тўқийдиган иккита каттакон цех очилди-да.

Олимжон УСАНОВ.

● ФАРҒОНА

ХУСУСИЙ ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

● Фарғона шаҳрида 100 болани ўқитишга мўлжалланган дастлабки хусусий турк лицейи очилди.

Мактабга ўқиш учун талабгор бўлган болаларни тест йўли билан турк муаллимларининг ўзлари танлаб олдилар. 5- ва 8-синфларни битирган талабалар бу ерда турк ўқитувчиларидан физика, математика, биология ва чет тилларидан сабоқ оладилар. Шуни айтиш керакки, лицей биноси жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. У энг замонавий ўқув-тарбия қуроллари билан жиҳозланган. Фарғона вилоятида халқ таълимининг мана шу муҳим соҳасига эътибор катта. Айни пайтда вилоятда юздан ортиқ лицейлар, 600 та турли фанларни чуқур ўрганишга мўлжалланган мактаблар ва битта гимназия фаолият кўрсатмоқда.

Алишер ИВОДИНОВ.

ШОИРЛАР... ҒАЛАТИРОҚ ОДАМЛАРМИ?

Ижодкор, ижодкор ҳақида

ШОИРЛАРНИ ғалатироқ шахслар, дейишади. Бу гапда озгина жон бор, шекилли. Ўзим-да, улар ичида ўралашиб юрганим туфайли баъзи нарсаларга эътибор бердим. Масалан, уларнинг юришларига...

Маъруф Жалил ҳамиша деворларга суйкалиб юради. Зинадан чиқаётиб эса, ёғоч тутқичларни чертиб чиқади. Гўё улардан қарзи бордек.

Ойдин опа доим ердан кўзини узмайди. Худди мунчоғини йўқотган қизалоқдек.

Сирожиддин ҳамма жойдан телефон излайди. Телефони йўқ ҳамкасбининг уйига меҳмонга ҳам бормайди.

Тилак Жўра гадой билан ҳам астойдил саломлашиб ўтади...

Хуллас, шунақа гаплар.

Мен нима демоқчиман? Ҳа, шоирлар ғалати одамлар. Аммо уларсиз ҳаётни ҳам тасаввур қилиш қийин. Уларсиз ҳаёт — сепсиз келиндек ғариб. Эҳтимол, ундан ҳам баттардир, ким билади яна.

Туни билан ухламай битган байтингни кимгадир ўқиб бергинг келади. Йўқ, уйдагиларга эмас. Бегона одамга. Озгина фурсат топиб, чўнтагингдан ўша куйдурги шеърни олмоқчи бўлсанг, ҳамкасбинг «менга ҳам узат», деб қолади. Сигарет деб ўйлайди. Индамай, унга қўшилиб тутатасан. Юрагинг тутаётгани билан эса бировнинг иши йўқ. Рост-да, шеъринг ўзингга сийлов. Дунёда шеърдан улуғ нарсалар бор.

Рафиқаси бўшаб қолган музлатгични қарсиллатиб ёпади. Шеър — колбаса эмас. Сариёғ ҳам. Шеърни нонга суртиб еб бўлмайди.

Отаси: «битта шеърга нечта қўй беради», дейди. Уни бекорчи, деб ўйлайди.

Аммаси: «мени ёзмагансан», деб гаплашмайди. Мени ҳеч кимим йўқ, дейди.

Хўш, шундан кейин ҳам шоир ғалати бўлмай ким ғалати бўлсин?...

Қизим мактабдан йиғлаб келди. Унга синфдошлари: «онанг туркман», дейишибди. Нима қипти десам, ҳамманинг ойиси ўзбек-ку, дейди. Сен қаердан биласан, зумраша!

«Қўйнимда бир ёр...» деб шеър ёзиб бутун қариндош-уруғдан балога қолдим. «Туркман қизга уйланаман», деб қизимдан дакки эшитдим. Хўш, шундан кейин ҳам шоир ғалати бўлмай ким ғалати бўлсин?...

Катта бир шоирнинг қассоб билан суҳбатига гувоҳ бўлганман. Бир умр эсимдан чиқмайди. Мўйлови киндигига тушган алпқомат қассобнинг олдида ўзбекнинг улуғ шоири эса уни фақат шу одати ўчун «девона» дейишаркан.

Девона одамлар!

«Ўғлим, кўй шу ёзувингни, кириб ухла. Ҳозир тонг отади...».

«Озиб кетганингни қара, болам. Мирзакаримбойнинг чорикорига ўхшайсан...».

Шоирларнинг оналарига қийин. Болаларига эса яна қийин. Хўш, шоирнинг ўзига-чи? Эҳтимол, шунинг учун ҳам ғалатироқдир у.

Бир ўртаҳол қаламкаш «агар хотиним бўлмаса мен шоир бўлолмасдим», деб қолди. Бу ғирт ёлғон гап эди. Ахир ҳамманинг ҳам хотини бор. Нега ҳамма шоир эмас?... Шоир, ҳақиқий шоир ҳеч кимга озор бермайди. Ҳалақит ҳам. Аммо, ҳамма унга ҳалақит беради. Ҳатто, энг гўзал хотини ҳам!

Шундан кейин ҳам шоир ғалати бўлмай ким ғалати бўлсин, ахир.

Шоирларни кўп ичади, дейишади. Ишонманг, бу сафсата. Йўқса, ўзлари қуйиб беришларини нега айтишмайди.

Шоирлар кўп ичишмайди, шунчаки ким билан ичишни билишмайди. Дуч келган одам уларга эски қадрдондек елкадош, йўлдош, шишадош. Кел, шу йигитнинг сўзини қайтармай, дейди. Кейин эса маломатга қолаверади.

Кўз ўнгингизда бировни машина уриб кетса, уч кундан сўнг унутасиз. Шоир эса йиллаб унутолмайди. Унинг айби ҳам шу —унутолмаслиги.

Дунёдаги барча ёзув машинкаси соҳибалари шоирларнинг меҳрибон сингиллари.

Етти иқлимдаги жамики шабнамлар уларнинг кўз ёшлари. Чунки, шоирлар ҳеч кимга, ҳатто, қуёшга ҳам кўрсатмай йиғлашади.

Жамики дарёлар шовуллаши — шоирларнинг сокин қўнғироқ юракчалари нидоси.

Барча шерларнинг наъраси — битта шоирнинг сокин ҳиргойиси.

Хўш, шундан кейин ҳам шоир ғалати бўлмай ким ғалати бўлсин!..

Бир кунгина тонгдан шомгача хурсанд юрган шоирни топиб беринг-чи, менга. Уни менинг олдимга етаклаб келган қўлингиздан ўпаман. Тополмайсиз. Овора бўлманг. Мабодо топсангиз ҳам, у шоир эмас. Шунчаки, «плов с рисом...».

Бир мартагина юзлари қип-қизил, кўзларида олов чақнаб турган, элнинг суюкли шоири бўлиб танилган бир одамни кўрсатинг-чи, менга. Той миндираман. Бироқ, кўрсатолмайсиз. Овора бўлманг . Мабодо, кўрсатсангиз ҳам, у шоир эмас. Шунчаки, уддабурон бир кимса у...

Раҳматли Назир ота (Сафаров) менга бир гап айтганди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: «Болам, шоир дегани бу қашшоқ дегани. Камбағал дегани, таржима қилса. Унинг ғазнаси фақат кўнгли. Ўзингни-ўзинг мақта-а-б, шеърингни ёзиб яшайверасан», деганди.

Мана, роса мақтандим. Кўнглим ҳам бироз бўшагандек. Эҳтимол, айрим ўринларда сал ошириворгандирман ҳам. Узр. Аммо менинг фикримга қўшилган-қўшилмаган дўстларимга бир илтимосим бор. Келинг, ўзингиз буёғини давом эттиринг...

Ҳа, эсимдан чиқибди. Ўзимнинг оёқ олишим қандайлигини айтмабман. Мен хиёл сўлғ энгашиб, бўйнимни қисиб юраман.

Бир пайтлар барча газеталарда шеърларимни қайтариб беришаверириб, мулзам юрган кунларимдан орттирган одатим бу...

• *Редакция почтасидан*

ОБУНАЧИ НЕГА ХУНОБ?

Мен 1992 йилга иккита рўзнома, учта ҳафтанома ва тўртта ойномага обуна бўлган эдим. Шулардан бештаси, яъни марказий обуначларга нархлар ошиши муносабати билан тегишли ҳужжатларни қайтадан расмийлаштириб, январь ўрнига февраль ва март ойларидан ёзилишга мажбур бўлдим. Аммо уларни ўз вақтида олишнинг иложи бўлмаяпти.

Илгари олиб турганим «Известия» рўзномасига 1 мартдан ёзилган бўлсак-да 25 майдан кела бошлади. «Аргументы и факты» ҳам биринчи чорак ўрнига иккинчи чоракдан келди. «Экономика и жизнь» ойномасининг бирорта сони келмади. Худди шундай аҳвол «Контроллинг» ойномасига ҳам тегишли — ҳали бирорта ҳам сонини олмаганман. «Ўзбекистон овози» июлдан бошлаб мутлақо келмай қўйди. Илгари бундай масалалар юзасидан алоқа бўлимларига мурожаат қилардик. Ҳудудимизда жойлашган 169-алоқа бўлимининг маъмуриятига ва бевосита хат ташувчига қилган мурожаатларимиз натижа бермаганлиги сабабли Сизларга ёзишга мажбур бўлдим. Газета ва журналларни вақтида олармиканмиз?

С. ҚОДИРХОНОВ,
профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

Риштон сопол буюмлари ўзбекнинг бирор хонадони йўқки, кириб бормаган бўлса. Ўзининг нафислиги, ранг-баранглиги, пишиқлиги билан етти иқлимга машҳур риштон кулолчилари яратган буюмлар асрлар давомида эъзозланиб келинаётир. Асрдан асрга бу санъат авлоддан-авлодга, қўлдан-қўлга ўтиб янада сайқал топаётир.

Усто Иброҳимжон Комиловни нафақат Риштонда, балки водийда танимаган одам йўқ. Ўзбекистон халқ рассоми, халқ амалий санъати устаси Иброҳимжон Комилов асарлари жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатида бўлиб ўтган кўргазмаларда қатнашган. Усто Иброҳимжон қирқдан ортиқ шогирдлар тайёрлади. Ҳозир эса шогирдлари ҳам усто билан бир қаторда меҳнат қилишаётир.

Суратда: усто Иброҳимжон кулолчилик асарлари ҳали кўп хонадонларнинг кўркига айланади.

Ш. ОЛИМОВ суратлари (ЎзА).

● ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН

КЎКЧАТОВ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҲУЗУРИГА

Бозор иқтисодиётига ўтиш азалдан қон-қардош, дўст-биродар бўлиб яшаб келган кўҳна Туркистон халқларини бир-бири билан янада мустаҳкам ҳамкорлик қилишга ундаяпти. Ўзбекистон ҳамиша қардошларга имкон қадар кўмак бериб келган. Қашқадарё вилоят қишлоқ хўжалиги техника таъминоти ва созлаш бошқармасидан элликта автомобиль ва уларнинг ҳайдовчилари Кўкчатов вилоятига жўнаб кетди. Улар қозоқ биродарларимизга ғалла ҳосилини йиғиштириб олишда кўмаклашадилар.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири.

«МУСТАҚИЛЛИК-МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Дўппи кийиб сочимга Оқ нпак тақиб олдим.
Кўрай-чи деб, билдирмай Кўзгуга боқиб олдим.
Ростин айтсам, ўзимга Ўзим ҳам ёқиб қолдим.

Суратни бекободлик муҳандис-ўқитувчи Авазбек АШУРОВ олган. У бўш вақтларида фото санъати билан шуғулланади.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

- «БИРИНЧИ КОТИБ НЕГА ОГОҲЛАНТИРИЛДИ?»
- ОЙДИН ҲОЖИЕВА ИЖОДХОНАСИДА
- ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ.
- НАМАНГАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР». (Фельетон).
- ҚАШҚАДАРЁ: «САВДОДАГИ ҒАВҒОЛАР». (Фельетон).
- МИРЗА КАРИМ: «МОҲЛАРОЙИМ» РОМАНИДАН ПАРЧАЛАР.
- «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ: ЎҚИНГ, ЎҚИНГ, МАҒЗИНИ ЧАҚИНГ, МУЛОҲАЗА ҚИЛИНГ, АМАЛДА ФОЙДАЛАНИНГ: «ТИЖОРАТ ВА БИР ОШАМ ҲАЛОЛ ЛУҚМА».
- АЖАБ САВДОЛАР: «ПИЕЗНИ ҲАМ СОВУҚ УРСА-Я...».

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

«ЖАҲОН» КОНЦЕРНИ БРОКЕРЛИК ХИЗМАТИ ЎҚУВ МАРКАЗИ БРОКЕР-СТАЖЕР ТАЙЁРЛОВЧИ 3 ОЙЛИК КУРСГА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Октябрь ойи оқимига қабул қилинганларга 1—3 минг сўм миқдорида стипендия тўланади.

Ўқиш —1 ноябрдан бошланади.

Суҳбат ва рўйхатга олиш шанба ва якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 8.00 гача.

Манзилгоҳимиз: 700015, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 16.

Маълумот учун телефон: 54-94-18.

Сизга АҚШ ДОЛЛАРЛАРИ керакми?

Ташқи савдо корхонаси Шартномангизнинг валюталардаги қийматини тулайди.

СЎМ СИЗДАН - ВАЛЮТА БИЗДАН!

Камида 10 млн. сўм миқдоридаги пулга талабномалар қабул қилинади.

Москвадаги телефон: (095) 378-11-35.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ОВУЛЛАРДА ШИФО МАСКАНИ

● **Қорақалпоғистон Республикасида сўнгги икки-уч йилда район марказларидан олисда жойлашган қишлоқлар аҳолисига медицина хизмати кўрсатиш бирмунча яхшиланди.**

Яқинда Тўрткўл районидаги «Шўрахон» жамоа хўжалигида, Тахтакўпир районидаги Ленин номли давлат хўжалигида ҳар бири 25 ўринли овул участка касалхоналари қурилиб фойдаланишга топширилди.

ОҒРИҚ ТИШНИНГ ДАВОСИ ОМБИРМАС

● **Бир пайтлар тиш оғриғига шифокорлар ҳам бефарқ қарар эдилар. Шу ҳам дардми, йўқ жойдан касал чақирасиз, оғриқ тишнинг давоси омбир, деганлар кўп бўларди.**

Кейинги йилларда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги одамларнинг тишларини асраш, даволаш, тиш оғриғининг олдини олишда қатор ишларни амалга оширди. Яқинда Кўнғирот шаҳрида ҳар сменада 150 киши қабул қилинадиган стоматология поликлиникаси қурилиб ишга туширилди. Бу ерда 20 нафар шифокор ишлаяпти.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

БУХОРО

ХЎЖАЛИКНИНГ ЁРДАМЧИ ЦЕХИ

● **Қоракўл районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида ўн уй бекаси учун янги иш ўринлари яратилди.**

Тикувчилик цехида ўрнатилган дастгоҳларда хотин-қизлар учун кийим-кечаклар тикишга киришилди. Цех учун хом ашё қўшни Олот районидаги тўқув фабрикасидан етказиб бериляпти. Яқин ойлар ичида цехдаги маҳсулотлар турини 5—6 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ МАЗАЛИ

● **Қоракўл шаҳрида тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг кўргазмаси бўлди. Унда куни кеча очилган колбаса тайёрлаш цехи энг кўп маҳсулот намойиш этди.**

Бу вилоятдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган дастлабки цехдир. Қоракўл шаҳар матлубот жамияти ҳузурида ташкил этилган цехга ишбилармон муҳандис Искандар Тожиев раҳбарлик қилмоқда. Цехда 20 хил колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Энг муҳими, бу маҳсулотлар вилоят марказидан ташиб келтирилаётганидан кўра арзон ва мазалидир.

Нусратилла НАИМОВ.

ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН

УРФ-ОДАТИМИЗГА кўра, ота-она йиллаб бор бисотини йиғиб тўй қилади. Тўй халқимизнинг энг яхши одатларидан бири бўлиб, тўйда узоқ-яқин қариндошлар, ёру дўстлар билан дийдор кўришилади, қолаверса тўй эгасининг ҳурматини бажо келтирадилар. Шунинг учун ҳам тўй эгаси кун бўйи тик оёқда туриб, келганларга раҳмат, дея ташаккур билдиради, қуллуқ қилади.

Тўғри, ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида тўй қилиш ҳам осон эмас. Шундай бўлса-да, иқтисодий танглик ва қийинчиликларга қарамай хайрли ишлар тўхтаб қолмаётир. Оқил одамлар фарзандларининг тўйларини катта бўлмасада, кичикроқ қилиб ўз вақтида ўтказаётирлар.

Бироқ тўқликка шўхлик қилиб, ўзининг бойваччалигини кўрсатаётганлар ҳам кам эмас. Ўша Хоразм вилояти давлат таъминот идорасининг масъул ходими тўйига келсак, тўй жуда тантана билан ўтган. Тўйдаги ёшларнинг бу бемаъни қилиқларига қараб, уларнинг қандай шароитда тарбияланганлигини яққол билиш мумкин. Умуман, тўйларни тартибли ва тежамкорлик билан ўтказиш мумкин. Айниқса, ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида тўйга лозим бўладиган озиқ-овқат маҳсулотларини топиш ҳам анча мушкул. Лекин таъминот идорасининг масъул ходими учун булар ҳеч гап эмас. Чунки уларда пул кўп. Пулинг бўлса чангалда шўрва, дейдилар. Пул кўп бўлгандан кейин бели оғриб пул топмаганлар унинг қадрига етмайдилар. Агар ўша йиртилган пуллар ёшларнинг меҳнати эвазига топилган бўлганида, келинпошшонинг дугоналари ва қуёвжўралар бундай бемаънилик қилмас эдилар. Умуман давлат пулини йиртишда қандай мантиқ бор? Мен бунга тушуна олмайман.

Биз бундай ҳолларга, миллатимизнинг урф-одатларини бузувчиларга бефарқ қараб турмаслигимиз керак.

У. ИБРОҲИМОВ,
Тошкент шаҳар А. Икромов районидаги «Қуёш нури» кўчаси, 12-Б уйда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси.

БОЛА БОШИДАН...

ХАЛҚИМИЗДА «Бола бошидан, ўғлон ёшидан» деган нақл бор. Катталар, яъни биз, ота-оналар ёшларимизга қандай шарт-шароит яратиб берсак, ўша шароитга мослашиб оладилар. Вилоят таъминоти идорасининг масъул ходими ўз фарзандларига қандай шароит яратиб берганлигини бу мулоқотли мақоладан билиб олиш қийин эмас. Бу тўғридан-тўғри тўқликка шўхликдир. Мени кўпроқ шундай шарт-шароитда ўсиб борган сари инсон қадр-қийматини унутиб бораётган ёшларимизнинг тақдири ўйлантириб қўяди. Ахир, ёшларимиз айни Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкам лашга бутун куч-қувватларини сарфлашлари керакку! Афсуски, инсон қадр-қимматини сезмайдиган бундай ёшларимиз турган гап кўп нарсанинг қадрига етмайдилар. Биз кўпроқ мактабларда, ўрта махсус билим юртларида, олийгоҳларда таълим-тарбияга чуқурроқ эътибор беришимиз, миллатимизнинг урф-одатларини, анъаналарини тушунтириб боришимиз, одоб, ҳаё, имон-эътиқоддан сабоқ беришимиз лозим. Мен педагогман. Лекин шундай ёшлар борки, ота-онасининг топган пулини еб, эрка фарзанд, бойвачча бўлиб юрибдилар. Номига ўқишни битириб олсалар бас. Ахир, эртага унинг келажаги нима кечади? Биз бундай ёшлардан нимани кутамиз? Бундай бойвачча ота-оналар талтайтираётган фарзандлари ўзларига нисбатан меҳр-оқибатни йўқотиб бораётганлигини нахотки билишмаса? Ўйлайманки, биз мавжуд қусурларимизни биргалашиб йўқотишга ҳаракат қилсак, маънавий покликка, келажагимиз улуғворлигига тез-роқ эришган бўламиз.

С. СУЛАЙМОНОВА,
Ангрен шаҳридаги педагогика институтининг катта ўқитувчиси.

Акс-садо

«БОЙВАЧЧАЛИКМИ ЁКИ НОНКЎРЛИК?»

«Ўзбекистон овози», 1992 йил 26 август

БУ ИНСОФЛИ ОДАМНИНГ ИШИ ЭМАС

ЯҚИНДА бир танишим менга қизиқ воқеани сўзлаб берди. Машҳур қўшиқчилардан бири тўйда ашула айтаётган экан. Қистир-қистир авж олибди. Шунда бир йигит унга 100 сўмлик пул узатибди. Хонанда пулга қўл чўзган экан, ўша йигит пулни шартта-шартта йиртиб, унинг бошидан сочиб юборибди...

Газетангизда Хоразм вилояти давлат таъминоти масъул ходимларидан бирининг ўғил уйлантиришидаги пул сочиш манзарасини ўқиб, очиғи ёқа ушладим. Наҳотки, айрим кишилар шунчалик тубанлашиб кетган бўлса? Нима бу, ошкоралик ёки демократия вассасасими? Агар демократия шундай бўлса, бундай демократиянинг халққа нима кераги бор? Ўша куёвтўра ва келинпошшоларнинг жўралари-ю, дугоналари пул сочиш ва пулни йиртиб сочишнинг маъносини англаб етишмаган шекилли?! Пулни ўта бахил одам йиртиб сочади. Зеро, бу пуллар бошқаларга насиб этмасин деб. Бахил одамда на диёнат, на меҳр-шафқат бўлади. Ал-Хоразмий шох кўчасидаги ана шу «хотамтойлик» бахилликнинг ўзгинасидир. Улар пулни йиртиб сочиш билан ўзларининг нақадар «бойлиги»ни, «саҳийлиги»ни исботламоқчи бўлишмасин, бу билан ўзларининг «худбинлиги» ва «зиқналиклари»ни намойиш қилганлар. Зеро, мақолада айтилганидек, ўша пулларни яккаёлғиз яшаётган, боқувчиси йўқ бирон-бир бечорахол қарияга ёки етим-есир болаларга беришганида эди, Оллоҳ йўлида ҳайрли иш қилинган бўлар эди.

Баъзилар бойиган сари маънавий қашшоқлашиб боради. Бу ўша инсоннинг инқирозидир. Маънавий қашшоқ кишилар на насиҳатга, на йўл-йўриққа қулоқ соладилар. Лекин ҳар қандай бойваччаликнинг ҳам чегараси бор. Унинг уволи ҳам тутади. Нонкўрликни Оллоҳ ҳам, бандаси ҳам хуш кўрмайди. Бу тубанликнинг ўзгинасидир.

И. ИСМОИЛОВ,
Андижон районидаги Чем маҳалласида истиқомат қилувчи.

КЎЧА АЙЛАНИШ—ФАЛОКАТГА ШАЙЛАНИШ

«БОЙВАЧЧАЛИКМИ ёки нонкўрлик?» мақоласини жуда қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Унда жуда аччиқ бўлса ҳам тўғри ва ҳаққоний гаплар айтилган. Ҳақиқатан ҳам Хоразмда ўғил уйлантириш тўйлари мақола муаллифи таъриф қилгандек ўтади. Баъзида йўлларни тўлдириб, тизилиб бораётган бу машиналарни айланиб ўта олмай, орқага қайтиб, бошқа йўлдан кетишга мажбур бўлади кишби. Лекин мақолани ўқиган ҳар бир киши беихтиёр «Хоразмда давлат автомобиль назорати борми ўзи, бўлса нима учун бу олатасир ҳайдовчиларнинг танобини тортмаяпти?» деб ўйлаб қолади.

Шуни айтиш керакки, вилоятда 200 дан ортиқ ДАН ва йўл соқчилик хизмати ходимлари меҳнат қиляптилар. Улар йўл-улов ҳодисаларининг олдини олиш билан боғлиқ ниҳоятда қийин ва қўламдор ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Шу жумладан, «тўйчи» машиналарнинг йўлдаги ҳаракатини тартибга солиш бўйича тадбирлар ўтказмоқда. Август — сентябрь ойларида ДАН бўлими 60 кунлик «Тўй» деб номланган рейд ўтказди. Яқинда ўтказилган ана шундай тадбир давомида Урганч тиббиёт билим юрти директори Д. Сопаев, нафақахўр К. Солаев, Урганч районидаги «Комсомол» колхозида яшовчи О. Отажоновларнинг ўғил уйлантириш тўйларида иштирок этган ва йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузган 18 ҳайдовчи видеотасвирга туширилди. Уларнинг барчасига қонуний чоралар кўрилди.

29 август куни Хива — Урганч йўлида тўй иштирокчилари тушган машиналар худди параддагидек қатор-қатор бўлиб саф тортиб боришарди. Бу машиналар орасида Урганч паррандачилик фабрикаси шофёри Райимберган Худойберганов ҳам ўзининг Е 48—77 ХЗ номерли «ГАЗ-24» маркали машинасини бошқариб бораётганди. Орқа ўриндиқда ўтирган куёв жўралар ҳаракат пайтида ҳар икки томондан бўй чўзиб, тиззасигача ташқарига чиқишди-да, эшикни стул, машина томини эса стол қилиб ўтириб олишди. Ён томонда бораётган машинадаги қизлар узатган ичимлик шиша эпчиллик билан йигитчалар томонидан илиб олиниб қопқоғи очилди ва стаканларга қуйилди. Касби шофёр бўлган Райимберган бундай номаъқулчиликлар кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлишини ва бунда ўзи ҳам айбдор бўлишини яхши биларди. Лекин тўй хурсандчилиги туфайли юраги тўлиб-тошган олифта йигитчаларни тартибга чақиришга ботина олмай, жимгина машинани бошқариб борар эди. Бу «цирк томошалари» бутун Хива — Урганч йўлида ва Урганч шаҳри кўчаларида ҳам давом этди. Эртасига қоида бузган ҳайдовчилар ДАН бўлимига таклиф этилди. Уларга ўзлари қилган ножўя хатти-ҳаракатлари видеомагнитафонда қўйиб берилгач, баённома тузилиб, ҳар бирига тегишли маъмурий чора кўрилди.

Ҳозирда биз йўлларда назоратни кучайтирдик. Тўй кортежлари ўтадиган Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий шох кўча чорраҳаларида рация билан йўл соқчилик назорати кучайтирилди.

Амалга оширилаётган бу тадбирлар озгина бўлса-да кўча ва йўлларда тартиб-интизомни таъминлашга ўз таъсирини кўрсатмоқда. Лекин умуман олганда келинкуёвларнинг кўча айланиши билан боғлиқ бўлган дил ранжитар машмашалар, қулоқни батангга келтириб сигнал беришлар, йўллар ва кўчаларни банд қилиб гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишлар, қўпол қоида бузишлар ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ДАН бўлими вилоят ҳокимига хат йўллаб, бу ишни тўйхонанинг ўзида тартибга солиш учун маҳалла фаолларини жалб этиш ҳақида кўрсатма берилишини илтимос қилди. Улар тўйда иштирок этувчи шофёрларни танлаб, тегишли йўл-йўриқ берадилар. Кўча айланишда учта машинадан ортиқ транспорт бўлмаслигини таъминлайдилар. Шунинг учун аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот йўналишини тўйларда кўча айланиш каби йўл ҳаракатига хавф солувчи одатдан астасекинлик билан воз кечишга сафарбар этиш таклифини киритди.

Дарҳақиқат, кўча айланиш, Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар шаънига ўрнатилган ёдгорликлар олдига бориш шартмикан? Чунки тўй иштирокчилари монументнинг атрофини ўраб олиб ўйин-кулги қиладилар, суратга тушадилар. Ҳалок бўлганлар номини ёд олиш, уларни зиёрат қилиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди бу пайтда. Менимча, ҳозирги бахтли кунларимиз учун қон тўкканларни зиёрат қилишдек яхши ниятнинг ёдгорликларга нисбатан ҳурматсизликка айланиб кетяпти.

Ҳеч ким тўйнинг азага айланишини истамайди. Лекин қуюқдондан чиқиш, бошқаларга йўл бермай олифтагарчилик қилишнинг ўзи яхшилик билан тугамайди. Шундай экан, биз ДАН ходимлари тўй-тўйдек ўтиши, унда тўйбошининг қаттиққўллиги йўлда ҳам сезилиб туриши ва ҳайдовчилар ўртасида интизом бўлиши тарафдоримиз.

О. РАЖАБОВ,
Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.

СПОРТ

«ПАХТАКОР»НИНГ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

● **ОЛИЙ лига футбол жамоалари Ўзбекистон миллий чемпионатининг навбатдаги учрашувларини ўтказдилар.**

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи миллий чемпионати якунланиб бормоқда. Мавсумни муваффақиятли якунлаб, чемпион бўлишга ҳаракат қилаётган жамоалар мавқеларини мустаҳкамлашга зўр бермоқдалар. Хусусан, кучли олтиликни ташкил этиб турган «Пахтакор», «Нефтчи», «Сўғдиёна», «Нурафшон», «Темирйўлчи», «Навбаҳор» футболчилари совринли ўринларга даъвогарлардан саналади. Навбатдаги учрашувлардан кейин ана шу жамоалар ўз ҳисобларига иккитадан очко ёзишга эришдилар. Жумладан, пахтакорчиларнинг ўз майдонида «Пахтакор—79» жамоаси устидан йирик ҳисобли (7:4) ғалабага эришиши мухлисларни қувонтирди. Тўплардан тўрттасини Мақсудов, иккитасини Кечинов ва биттасини Маъруфалиев дарвозага йўллашди. Жавоб тўпларини Холмирзаев (2 та), Шоймардонов ва Мошевлар киритишди. «Нурафшон» — «Янгиер», «Навбаҳор» — «Кимёгар» жамоаларининг учрашуви бир хил — 5:0 ҳисобида тугади. Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари «Орол» майдонида ғалаба (3:0) қозонишди. «Сўғдиёна» ҳам сафарда «Наврўз» жамоасидан (3:1) устун келди. Ҳозир «Пахтакор» билан «Нефтчи» 45 тадан очко билан олдинда боришмоқда. «Сўғдиёна» ва «Нурафшон» ҳисобида 42 тадан очко бор.

ФИШЕР — СПАССКИЙ — 6:3

● **БЕЛГРАД шаҳрида гроссмейстерлар — Р. Фишер билан Б. Спасский ўртасида навбатдаги учрашув бўлди.**

Ўн олтинчи партияда қора доналар билан ўйнаган Роберт Фишер яна ғалабага эришди. Кеча ўтказилган 17 партияда эса у оқ доналар билан ўйнади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Олий ўқув юртларига тест синовлари бўйича имтиҳондан ўтиш учун пул тўлаб ўқийдиган тайёрлов курсига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатлар 1 декабргача қабул қилинади.

Ўқиш муддати 8 ой.

Талабалар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Тайёрлов курсига қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

шаҳодатнома, 6 дона 3х4 расм, ишлаганлар меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи ҳақидаги 086-ҳужжат.

Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700183, Тошкент—183, 156, 165, 83, 96, 491-автобуслар қатнайди. Агроуниверситет бекати.

Телефон: 63-75-00.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—21.30.
Г—394. № 199. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.